

323(043.3)

А85

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ  
АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма хукуқида

ББК: 66.3 (5У)6

АСТАНАЕВ ҚУЛМАХАММАТ САНАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ  
ЯНГИЛАНИШИНГ ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ  
МУАММОЛАРИ

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2008

323(043.3)

А 85

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов  
номли фалсафа-хукук институтида бажарилган

Илмий раҳбар: сиёсий фанлар доктори,  
профессор Эргашев Ибодулла

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ширматова Гулсара  
сиёсий фанлар номзоди  
Жумаев Ойбек Чориевич

Етакчи ташкилот: Тошкент Молия Институти

Диссертация химояси «16 май 2008 йил соат 14<sup>00</sup> да  
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият  
қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини химоя этиш  
учун ташкил қилинган Д.005.10.01 Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ  
кўчаси, 45)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Диссертация автореферати 2008 йил 16 май тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, т.ф.н., доц.

У.Хайтов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Мустақил тараққиёт йўлиниң энг муҳим ютуқлари миллий ғоя негизларини мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётига татбик этилиши билан боғлиқдир. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши, янгича ғоя ва карашлар, иқтисоднинг ягона мафкура таъсиридан халос бўлиши, инсонлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъқидлаганидек: “... булаарнинг барчasi хақида ҳар тарафлама чукур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бутунги кунда хам ўзининг долзарбилиги ва ахамиятини йўкотмаган...”<sup>1</sup>.

Муаммонинг долзарбилигига шу нуқтаи назардан ёндашганда, биринчидан, Ўзбекистон жамиятининг иқтисодий негизлари ва мафкура соҳасидаги ўзгаришларнинг характеристика, маъно-мазмунини ўрганишга бўлган заруратининг ҳамон сакланиб қолаётганлиги;

Иккинчидан, жамият иқтисодий негизларининг янгиланишида миллий гоянинг муҳим омил эканлигини таҳлилий ўрганишга етарлича зътибор берилмаётганлиги;

Учинчидан, миллий ғоя ижтимоий-иктисодий асосининг ягона коммунистик мафкура тамойилларидан тубдан фарқ килишини чукур англаб етилмаётганлиги;

Тўртингчидан, миллий гоянинг ижтимоий-иктисодий асосларини ўрганиш, унинг таркибий тузилмалари, жамият негизида содир бўлаётган ўзгаришларнинг фуқаролик жамияти курилишига таъсири билан боғлиқлиги;

Бешинчидан, миллий гоянинг ижтимоий-иктисодий асосларини ёки жамиятнинг иқтисодий негизидаги ўзгаришларнинг миллий ғоя билан боғлиқ сиёсий мафкуравий жиҳатларини бир-бира галокадорлиги таҳлил этилган илмий тадқиқот ишларига эҳтиёжнинг мавжудлиги;

Олтингчидан, миллий гоянинг ижтимоий-иктисодий асослари билан боғлиқ янгиланишларнинг сиёсий-мафкуравий жиҳатларини республика вилоятлари ва тегишли ҳоқимликларнинг мазкур йўналиши бўйича амалга ошираётган ишларини ўрганиб, тажрибаларини умумлаштириш заруратининг мавжудлиги;

Еттингчидан, жамият ижтимоий-иктисодий негизларини янада ривожлантиришнинг ғоявий-сиёсий муаммоларининг ечимиға қаратилган хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишига бўлган заруратининг мавжудлиги билан белгиланади.

**Муаммонинг ўрганишларлик даражаси.** Ўзбекистон жамияти ижтимоий-иктисодий янгиланишининг ғоявий-сиёсий муаммоларини ўрганиш бўйича куйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди:

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: "Ўзбекистон", 2007, 4-бет.

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан жамият мафкураси ва миллий ғоя бўйича амалга оширилган ишлардир.<sup>1</sup> Унда муаммонинг назарий-концептуал асослари ўзининг ифодасини топган.

• «Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»и концепциясининг ишлаб чиқилганлиги бўлди. Унда миллий ғоя ва мафкуралар тарихи, хозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш, Ўзбекистон тараққиёти билан боғлиқ мафкуравий муаммолар ҳамда миллий истиқол мафкурасининг асосий ғоялари, уни ҳалқимиз қалби ва онгига сингдириш йўллари ўз ифодасини топди.

Шунингдек, концепцияда, миллий ғоянинг асосларига, хусусан, унинг ижтимоий-иктисодий жиҳатига ҳам алоҳида ўрин берилганлиги амалга оширилаётганд таддикот нуктаи назаридан ёндашганда муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича ўкув дастурларини тайёрлаш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги 2001 йил 18 январдаги Фармойиши, “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги (2006 йил 25 август) қарори бўлиб, буларнинг барчаси тадқикотларчилар зиммасига куйидаги вазифаларни юклиди: Бу борада мутахассис олимларимиздан А.А. Азизхўжаев<sup>3</sup>, Ў.Абилов<sup>4</sup>, Д.Алимова<sup>5</sup>, Х.Бобоев<sup>6</sup>, З.Фоғуров, Н.Жўраев<sup>7</sup>, М.Жакбаров<sup>8</sup>, А.Жалолов<sup>9</sup>, Муртазо Каршибой<sup>10</sup>, К.Назаров<sup>11</sup>, С.Отамуродов<sup>12</sup>, У.Корабоев<sup>13</sup>, И.Эргашев<sup>14</sup>, О.Аббосхўжаев, Н.Умарова, Р.Қўчқоровлар<sup>15</sup> томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

биринчидан, жамият мафкурасининг ўзига хос хусусиятларини асослаш ва унинг ягона ҳукмрон мафкурадан фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш;

иккинчидан, жамиятдаги турли мафкуралар, уларнинг кўринишларини, мақсад ва йўналишларини ўрганиш;

учинчидан, мафкура соҳасидаги ўзгаришларни, хусусан мафкура майдонидаги кураш билан боғлиқ жараёнларни геосиёсий, геомафкуравий нуктаи назардан ўрганиш;

тўртинчидан, миллий ғояни таълим-тарбия соҳасига жорий этиш, унинг миллий-маънавий, умумбашарий негизларини ўрганиш;

бешинчидан, миллий ғояни сиёсий маданият ва мафкура нуктаи назаридан ўрганишга қаратилган ишлардир.

<sup>1</sup> Миллий ғоя: назарий маъбалар. Крестоматия. – Т.: “Академия”, 2007.

<sup>2</sup> Қаранг: “Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. – Т., “Ўзбекистон”, 2000. 31-33, 50-бетлар.

<sup>3</sup> Азизхўжаев А.А. Мустакомлик, қурашлар, ишероблар ва қувоғчлар. – Т., 2001; Час узбек шини. – Т., Академия, 2003.

<sup>4</sup> Абилов У. Миллий ғоя, қозоғимиз олимлар. – Т., Мазманият, 1999.

<sup>5</sup> Алимова Д. Имконият тармоқ - ғоя ва мафкуралар тарзиҳидар. – Т., Янги аср айноди, 2001.

<sup>6</sup> Бобоев Х., Фоғуров З. «Миллий истиқол мафкураси ва тараққиёт». – Т., Янги аср айноди, 2001.

<sup>7</sup> Жўраев Н. Мафкуралар ишмуният. – Т., Мазманият, 2001.

<sup>8</sup> Жакбаров М. Коми ғиссон ғояси. Таржий-философий таҳлил. – Т., «Абу Али Ибн Сино», 2000; Коми инсон ғояси, Янги аср айноди, 2002.

<sup>9</sup> Жалолов А. Ўзбекистон: мустакомлик, маънавият, мафкура. – Т., «Ўзбекистон», 1994.

<sup>10</sup> Муртазо Каршибой. Бунёдкор ҳалқ ғояси. – Т., «Мазманият», 2001.

<sup>11</sup> Назаров К. Миллий истиқол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т., 2001.

<sup>12</sup> Отамуродов С., Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий руҳий тиқсанаш. – Т., “ЎАЖБИТ” маркази, 2003.

<sup>13</sup> Корабоев У. Ўзбек ҳалқ байрамлари. – Т., Шарқ, 2002.

<sup>14</sup> Эргашев И. Тараққиёт фаслафаси. – Т., Академия, 2004.

<sup>15</sup> О.Аббосхўжаев, Н.Умарова, Р.Қўчқоров. Мафкура полигонларидаги олишу. - Т.: “Академия”, 2007.

Ушбу ўринда миллий ғояни ўрганиш бўйича Республикадаги турли институтлар, марказлар ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан ўтказилган илмий-назарий, амалий конференциялар шунингдек, миллий ғоянинг илмий-амалий ҳамда тарғиботи технологияларига бағишланган кенг кўламли ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир.<sup>1</sup>

Муаммони ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизлари янгиланишининг муҳим концептуал жиҳатлари, инсон хаётига таъсири билан боғлиқ ғоявий-сиёсий карашлар таҳлил этилган илмий-тадқиқот ишлари етарлича эмас. Ҳамон айрим ҳолларда ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига факат иктисодий ҳаёт, турмуш, мухитнинг белгиловчилик роли нуктаи назаридан караш ва баҳо бериш ҳоллари сакланиб қолмоқда. Бу ўз навбатида одамларнинг фаоллиги, ҳаёт тарзи, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий янгиланишига ҳам маълум даражада салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Буларнинг барчаси жамият ижтимоий иктисодий асосларидаги ўзгаришларнинг миллий ғоя билан боғлиқ жиҳатларини янгича тамойиллар нуктаи назаридан тадқик этишни тақозо этади.

Диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг И.Мўминов номли фалсафа ва ҳукуқ институтининг миллий ғояни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон жамияти ижтимоий-иктисодий янгилацишининг миллий ғояга ҳос ўзгаришлар билан боғлиқ қонуниятлари ва унга таъсири этувчи омилларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

- «Миллий ғоя», «ижтимоий ҳаёт», «иктисодий ҳаёт», «миллий ғоянинг ижтимоий-иктисодий асослари», «эркин ва фаровон ҳаёт» тушунчаларининг маъно-мазмунини тавсифлаш;
- “иктисод” ва “сиёсат”нинг ягона мафкурадан холи эканлигини демократия ва ғоялар хилма-хиллиги нуктаи назаридан таҳлил этиш;
- жамият мафкураси ва ижтимоий-иктисодий ҳаёт янгиланишининг ўзаро боғлиқлигини асослаш;
- миллий ғоя, эзгу, бунёдкор ғоялар ва жамият ижтимоий-иктисодий асосларидаги ўзгаришларни таҳлил этиш;
- ижтимоий-иктисодий ҳаёт, ғоя ва сиёсий мафкуранинг инсон ҳаётига таъсири билан боғлиқ турли хил карашларни ўрганиш ва унга муносабат билдириш;
- жамият ижтимоий-иктисодий негизларининг янгиланишини янгича ғоявий ўзгаришлар, социал субъектлар ва сиёсий институтларнинг ғоявий-сиёсий мақсадлари билан муносабатини таҳлил этиш;

<sup>1</sup>Инсон манбаатнинг хизъидалини – фуқаророни жамияти ташвиҳи ишларининг муҳим омили. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: "Фалсафа ва ҳукуқ", 2007. Миллий ғоя тарғибот технологиялари ва атамалар дугати. -Т.: "Академия", 2007.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизларидаги янгиланишлар тизимида миллий ғоя тамойиллари ҳал этувчи аҳамиятга эга. У ўз-ўзича, стихияли жараён эмас, балки инсоннинг, турли ижтимоий субъектларнинг дунёкараши, ишонч ва эътиқоди, уни амалга ошириш йўллари, билим ва тажрибаси асосида амалга ошадиган объектив ва субъектив омилларни ўз ичига оладиган илмий далил ва асосларини кўрсатиб беради.

Тадқиқот натижаси одамлар сиёсий онги ва тафаккурида, шунингдек, жамиятда содир бўлаётган гоявий-сиёсий ўзгаришларда ўз ифодасини топади. Миллий ғоя жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизлари билан боғлик айрим муаммоли масалаларни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Шунингдек, тадқиқот натижалари “Миллий истиколол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўргатиш, уни ёшлар ва кенг жамоатчилик онгига сингдиришда, жойлардаги ижтимоий-иктисодий масалаларнинг маънавии, гоявий-сиёсий томонларини тушунтириш ҳамда уларни ҳал килишда мухим аҳамият касб этади. Тадқиқотнинг хулоса ва таклифлари маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, миллий гоянинг миллий ва умуминсоний негизларини хозирги замон фани ва ишлаб чиқариш технологияларидаги ютуқларни мамлакатимизнинг социал, ижтимоий-иктисодий ҳаёт соҳаларига кенг татбиқ этиш билан боғлик ҳолда амалга оширишила алоҳида ўрин тутади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари муаллиф томонидан республика вилоятлари хусусан, Қашқадарё вилояти ва туманларида иктисодиёт ва ижтимоий ривожлантиришнинг миллий ғоя билан боғлик жиҳатларини кўриб чиқиши ва ҳал этишида, маданий-маърифий тадбирларда, кенг жамоатчилика миллий гоянинг ижтимоий-иктисодий асосларини тўғри тушунтириши, уларнинг гоявий-сиёсий қарашларини шакллантиришга қаратилган хулосалари ҳаётда ўз татбиқини топган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Муминов номли фалсафа ва хуқук институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси, А.Кодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти ҳамда Тошкент Давлат Иктиносидиёт университетининг илмий-назарий семинарларида, мухокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари муаллиф томонидан тайёрланган «Миллий истиколол гоялари - миллиатлараро ҳамжихатлик омили» (Т.: 2003 й) ва “Иктиносидиёт модернизациялашнинг сиёсий-мағкуравий омиллари” (Т.: 2007 й) номли рисолаларида ҳамда “Жамият ва бошқарув” журналида чоп этилган иккита илмий мақолаларида, шунингдек, илмий-назарий конференциядаги чиқишиларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Кириц, учта боб, олтига параграф, хулоса ва адабиётлар рўйхати ҳамда, 149 сахифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш кисмидаги тадқиқот мавзузининг долзарбилиги ва илмий ўрганилганлик даражаси, унинг предмети, обьекти, мақсад ва вазифалари, янгилиги хамда назарий амалий аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизини ўрганишнинг гоявий-сиёсий жиҳатлари” деб номланади. Унинг биринчи параграфида “Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва гоявий-сиёсий негизининг ўзаро муносабати: тушунчаси, маъно-мазмуни” таҳлил этилади.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизлари янгиланишининг гоявий-сиёсий муаммоси сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабат ва жараёнлар билан узвий боғлиқ. Бу борада аввало, гоя ва ижтимоий иктиносидий ҳаёт ўртасидаги муносабатни илмий таҳлил этиш, ягона мафкура ҳукмронлиги таъсирида шаклланган айрим қарашларга янгича ёндашув муҳимдир.

Тадқиқотда, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизи хилма-хил шакллардаги мулкса миллий гоянинг асоси сифатида қаралади.<sup>1</sup> Унинг гоявий-сиёсий жиҳатлари таҳлил этилади. “Жамият ижтимоий-иктисодий негизи”, “гоя”, “иктисод”, “мафкура” ва “сиёсат” тушунчаларининг ўзаро муносабати, ўзаро боғлиқ ва фарқли томонлари кўрсатилади.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётини гоявий ва ижтимоий-иктисодий негизларининг ўзаро муносабатини таркибий функционал, тизимли ўрганиши, унинг нафақат гоявий, иктиносидий-ижтимоий, балки сиёсий жиҳатини хам хисобга олишни такозо этади.

Тадқиқотда, жамиятнинг гоя ва мафкуралар билан узвий боғлиқлиги умумъетироф этилган қарашлардан бири эканлиги таъкидланади. Шу маънода инсоният тарихининг ривожига гоялар тарихи<sup>2</sup> сифатида қарашда ўзига хос маъно борлиги зътироф этилади.

Ижтимоий ҳаётда «Ягона гоя ва мафкура»га даъво қилиш амалда унинг иктиносидий, сиёсий асосларини мафкуралашишига олиб келади. Тадқиқотда «ягона, ҳукмрон гоя» билан миллий гоя ўртасида фарқ таъкидланган ҳолда, «иктиносиднинг мафкурадан ҳоли» бўлиши тамойилига зътибор қаратилади.

Аммо, бундай қарашлар айрим ҳолларда баҳсли муносараларга сабаб бўлмоқда. Бу жамият тарихида, фалсафий фикр ривожида «гоя», «идея» билан «моддийлик», «моддият» ўртасидаги муносабат билан узвий боғлиқ бўлиб келган муаммодир. Яъни, жамият, табиат, инсон муносабатида «гоя»вийлик «моддийлик» муносабати турли ҳил тушунилган. Бизнингча, бу узвий боғлиқлики тўгри ҳал этиш жамият ижтимоий-иктисодий негизларидаги ўзгаришнинг гоявий-сиёсий жиҳатларини, ўзаро муносабатини холисона тушуниш, унинг ўрни ва роли тўтрасида янги хулосаларга келиш имконини берди.

<sup>1</sup> Миллий гоя: тарзигбот технологиялари ва атамалар лугати. –Т.: “Академика”, 2007, 212-бет.

<sup>2</sup> Миллий истизодов гояси: асосий түзулувча ва ташоийлар. –Т.: “Узбекистон”, 2000, 3-бет.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Жамият ижтимоий-иктисодий негизига ягыйи-сиёсий ёндашувлар ва қарашлар”нинг тахлилига бағишланган.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий негизи, мамлакатда амал қиладиган ягыйи қарашларга мос манфаатлар тизимида қарор топади. Ягыйи ва ижтимоий-иктисодий ҳаёт соҳасидаги ўзгаришлар турли ижтимий гурухнинг сиёсий қарашлари, мақсад ва манфаатларида ҳам акс этади.

Шунинг учун ҳам жамиятнинг ягыйи-мафкуравий соҳасида амал қилған асосий, устувор коидалар, тамойилилар мухим аҳамиятга эга.

Миллий гояда фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигининг эътироф этилиши тамойили ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши учун янги либерал демократик гояларнинг қарор толишига олиб келди. Жамият иктисодий ҳаётида мулк хилма-хиллигининг амал қилиши, бозор иктисоди муносабатлари билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий, маънавий-гояйи қарашлар инсон ҳаёти, унинг эркин меҳнат фаолияти учун зарур шароит яратиб бермокда. Жамият маънавий-гояйи, мафкуравий негизларидағи ўзгаришларнинг ижтимоий-иктисодий янгиланишларга асосий омил, куч бўлиб таъсир кўрсатайтганлиги, иктисодий ҳаётнинг ягона мафкура таъсиридан ҳалос бўлиши, ижтимоий ҳаёт соҳаларидағи демократик ўзгаришлар, янгиланишларнинг моҳияти, афзалликлари тадқиқотда атрофлича ўрганилди ва тегишли хулосалар берилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Жамиятнинг демократик иктисодий негизидаги ягыйи-сиёсий ўзгаришлар” деб номланган. Унинг биринчи параграфи “Жамиятни мулкнинг хилма-хиллигига асосланиши ва иктисоднинг ягона мафкура таъсиридан ҳоли бўлиши”ни ўрганишга бағишланган. Бу ягыйи ўзгаришлар миллий гоя билан боғлиқ ҳолда тахлил этилган.

Жамиятнинг турли гоялар ва хилма-хил мулкка асосланиши сиёсий мафкуравий ўзгаришларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Натижада турли сиёсий институтлар фаолиятида хилма-хил мулкни англаш билан боғлиқ муносабатлар тизими шакланади.

Жамиятнинг демократик иктисодий негизига курилиши режали иктисод ва ягона мулк шакли билан боғлиқ ягыйи-сиёсий мақсадларнинг ўзгаришига иктисоднинг ягона мафкурадан ҳалос бўлишига олиб келди. Иктисодни эркинлаштириш жараёни мулкнинг хилма-хиллиги оркали амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат маҳсулотининг қарийиб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлигича иктисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва коорпаратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат килмоқда. Кичик ва хусусий бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётганлиги билан унинг ягыйи, ижтимоий-сиёсий аҳамиятига эътибор қаратилади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Карап. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақили тараққиёт йўлси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 40-бет.

Жамиятнинг турли хил гоялар ва мафкураларга асосланиши инсонлар томонидан сиёсий вокелиқда турли хил ижтимоий манбаатларни ўзлаштириши, уни акс этишининг натижаси хисобланади. Сиёсий гоялар, назария ва карашлар турли-хил ижтимоий гурух ва қатламларнинг манбаатларида ўз ифодасини топади. Буни, биринчидан, инсоннинг муайян бир ижтимоий гурухга мансублигини, ижтимоий бир хиллигини англаши; иккинчидан, ўзининг муайян ижтимоий гурухга мансублиги билан боғлик манбаатларини сиёсий ҳокимият билан муайян муносабатга киришмасдан амалга ошиши мумкин эмаслигини тушуниб етиши; учинчидан, инсон ўзининг муайян сиёсий позицияси мавжудлигини, фуқаролик мавқенини, хукук ва эркинликларини хисобга олиши орқали ҳокимиятта таъсир кўрсатиш имкониятини ҳал этиши ва англаши мухим аҳамиятта эга.

Тадқиқотда, жамият ижтимоий-иктисодий, маънавий-мафкуравий соҳасининг демоқратик асосда курилиши, боқимандалик гоясидан кутилишида унинг гоявий-сиёсий жиҳатларида мухим роли мавжудлиги ўрганилиб, тегишли хулюсалар берилади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Жамият демократик, ижтимоий-сиёсий институтларнинг мақсадларида ўзгаришлар”** таҳлилига бағишиланган.

Жамият ижтимоий-иктисодий негизларига мос демократик ижтимоий-сиёсий институтларнинг шаклланиши билан уларнинг гоявий мақсадларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Агар, «ягона ҳукмрон, давлат мафкураси» амал киласа, шунга мос сиёсий мақсад, манбаатларни кўриш, сиёсий кадриятлар, руҳият ҳамда ижтимоий гурух, қатламга мансублик хис этилади. Сиёсий ҳаётга, сиёсий тизимдаги ўзаро муносабатларга ҳам шу мезон ва тамоилиларга амал килган ҳолда баҳо берилади. Бундай шароитда айниекса: 1) давлатта тобелик, унинг кучига сажда килиш, ундан эхсон кутиши билан боғлик ҳолатлар содир бўлади; 2) сиёсий онгда ҳам, манбаатларни англашда айрим синфнинг мавкеи устун бўлиб туради; 3) ҳаммага ягона гоя, мақсад ва манбаатлар устунлиги сингдирилади; 4) инсон ва унинг манбаатлари реал ҳаёт, сиёсатдан четда қолади; 5) сиёсий ҳаётта бир томонлама мафкуравий ақидалар билан баҳо бериш, унинг ноҳолисона таргигботи кучаяди. Натижада инсон сиёсатдан узоклашади, унинг туб моҳиятини англаб етишда муайян кийинчилликлар пайдо бўлади.

Мустакиллик мазкур гоявий мақсадлар яширинган сиёсатни фош этди. Сиёсат инсон манбаатларига хизмат қила бошлади. Бундай ёндашув турли ижтимоий гурухлар, қатламларнинг сиёсий онгига ўзига хос янгича караш ва ёндашувни шакллантириди. Бугунги ижтимоий гурухлар, қатламлар онгига, мақсадида масалан, синфий караш, бирон - бир гурух манбаатини иккинчисидан устун қўйиш каби салбий ҳолатлар учрамайди. Ягона мулк шаклини тан олиб, бошқа шаклларини инкор этиши гояси ҳам бегона; уларнинг турли мулк соҳаларидағи фаолиятлари билан бирга, уларни кўпроқ муштарак гоявий-сиёсий мақсадлар ҳам боғлаб туради. Шунинг учун ҳам «Сиёсий онгни шакллантиришда инсонни маълум гурухга мансуб бўлиши, сиёсий ҳокимиятта, ҳаётий мавкега эгалиги мухимdir. Шунинг учун инсон

каерда яшашыдан катый назар, аввало маълум гурухга мансуб бўлади ва шу орқали у ёки бу партияда, сиёсий харакатларда иштирок этади, ўз манфаати ҳамда гурух манфаати, қарашларини, мавқеини химоя қиласди<sup>1</sup>. Бугунги кунда очик ва кучли фуқаролик жамиятини ахолининг турли ижтимоий гурухлари ва кенг қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган мустакил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий аҳборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Натижада, бугун “Энг муҳими, ахолининг онги тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва Совет мағкураси тамойиллари асосида шакслантирилган фикрлари тарзи ва дунёқараси, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди”<sup>2</sup>.

Тадқиқотнинг учиччи боби “Миллий ғоя ва жамият ижтимоий ҳаётси соҳасидаги янгиланишлар: муаммолар ва ечимлар” - деб номланади. Унинг биринчи параграфида “Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаётда мағкуралар хилма-хиллигининг амалга оширилиши” ўрганилади.

Тадқиқотда жамиятнинг ижтимоий ҳаёти соҳаларини мағкуралар хилма-хиллиги билан узвий боғлиқлиги таҳлил этилади. Чунки, ижтимоий ҳаёт инсонларнинг турли-хил мақсад ва манфаатлари, уларнинг ўзаро социал негизида: оила, оиласий муносабатлар, турмуш шароити имкониятлари даражаси ҳамда уларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан боғлик соҳалар орқали одамлар миллий ғоянинг бош ғояси яъни, эркин ва фаровон ҳаёт куриш, озод ва обод Ватан билан боғлик шарт-шароитлар, имкониятлар даражасига эга бўлиб борадилар. Уларнинг кундаклик ҳаёт шароитидаги ўзгаришлар орқали миллий ғоянинг амалий ифодасини кўрадилар, унга ишонч ҳосил киладилар.

Аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошганини таъкидилаш лозим.

Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди. Мустақиллик йилларида 5 млн.дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 foизидан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади.<sup>3</sup>

2006 йилда ишсизлик даражасининг 5,3 foizgacha камайгани ҳам ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ўзига хос натижасидир.<sup>4</sup>

Халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза килиш, ижтимоий химоя алоҳида ўрин тутади. Шу маънода, миллий ғоя, ижтимоий ҳаёт турли соҳаларининг бир-бири билан боғлик эканлигини хисобга олиш тақозо этилади.

Миллий ғоя ижтимоий ҳаёт соҳалари орқали ҳам инсонлар, турли ижтимоий гурух ва катламларнинг мақсад, манфаатларида ўз ифодасини

<sup>1</sup> Эртапса И. Кашек сиёсий-ижтимоий жаҳабалар тизимида. Сабий фалсафий таддис. –Т.: «Шарю» наврети, 1998, 129-бет

<sup>2</sup> Каримов И.А. Узбекистоннинг 16 йилдик мустакил таракқиёт ўгуши. –Т.: «Узбекистон», 2007, 29-30-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда: 41-бет.

<sup>4</sup> Уша жойда: 42-бет.

топади. Бу эса жамият ва мафкуралар хилма-хиллигининг узвий алокадорлиги билан боғлиқдир. Ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган. Шу маънода ҳар қандай эзгу гоя ижтимоий характерга эга бўлиб, руҳиятга ижобий таъсир кўрсатади, жамият ва одамларни харакатга чорлайди. У аниқ мақсад-муддао сари етаклайдиган кучга эга эканлиги билан характерланади. “...пировард максадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда... илмий асос миллий гоя, миллий мафкурадир”<sup>1</sup>.

Тадқиқотнинг охири параграфи “Жамиятнинг ғоявий-сиёсий соҳаларини янада демократлашиши: муаммолар ва ечимлар” деб номланади.

Жамиятдаги турли-туман ижтимоий-сиёсий кучлар ўз сиёсий ғоялари билан ижтимоий ҳаётнинг янада демократлашишига хизмат қиласди. Шу нұктаи назардан қараганда, бугун мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият кўрсатаёттанилиги ижтимоий муаммоларни кўришга, унинг асосларини янада демократлашишига қаратилгандир<sup>2</sup>. Жамият ҳаётини демократлаштиришда, модернизациялашиша сиёсий партиялар ролининг янада кучайиши устувор аҳамият касб этади. Тадқиқотда, ижтимоий соҳанинг ривожи ғоявий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги учун ҳам, унинг асосларини “ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун” деган эзгу тамойилларни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг мухим вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиши таъкидланиб, айрим муаммоларнинг ечим йўллари кўрсатиб берилади. Шунингдек, унда жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёт соҳасида мафкуранинг янада демократлашиб бориши турли хил ёт ва бегона ғояларнинг олдини олишда мухим ўрин тутиши уқтириб ўтилган.

Мамлакатимизда янги демократик давлат барпо этилди. Ҳозирги сиёсий ва иктисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, фукароларнинг сиёсий, иктисодий фаоллигини ошириш ижтимоий ҳаёт соҳасининг ривожланиши орқали ғоявий-сиёсий нұктаи-назардан янада демократлаштиришини билдиради. Унинг миллий гоя максадлари билан боғлиқ муштарак жиҳатларини инсонларнинг ишонч ва зътиқодини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Демократик тамойилларга алоҳида аҳамият бериш, ижтимоий ҳаёт, иктисодий соҳадаги ижобий ўзгаришлар ҳам ўзининг ижобий натижасини беради. Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсадларни амалга ошириш ҳамда мавжуд айрим муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Миллий гоя назарий маъбалар. (Хрестоматия). -Т.: “Анадемия”, 2007, 184-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонинг 16 йиллик мустақили тараддиёт нузи. -Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 36-бет.

## ХУЛОСА

Ҳозирги давр, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий - маданий хаёти чукур демократик, ғоявий-мафкуравий ўзгаришлар билан характерланади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тараккиёти учун асос бўлиб келган ғоявий парадигмалар ўрнини миллий ғоя билан боғлик янгича қарашлар, концепциялар олмоқдаки, бу ижтимоий иқтисодий хаётнинг янғиланишини ғоя ва мафкура билан боғлик хусусиятларини англашда янгича йўналиш беради. Миллий ғоя ўзбекистон жамияти ижтимоий хаёт соҳаларига янгича тамойилларни олиб кирди. Бу мафкуралар хилма-хиллиги тамойили билан узвий боғлик бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг эркинлашувига, хусусий мулкнинг ҳаётимизга сингиб, унга мос онг ва тафаккур, қарашлар билан боғлик ўзгаришларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратиб берди.

Жамият тараккиёти ва инсониятнинг тарихи турли хил ғоялар билан ижтимоий ҳаёт ўртасида узвий боғликлик мавжудлигини, жамият бор экан мақсадсиз бўлмаслигини тасдиқлаб келмокда. Аммо, жамиятлар ҳам, уларнинг ўзларига мақсад килиб олган ғоялари ҳам турли хил ғоя ва мафкуралар билан яшаб келган ва келмокда. Шунда ғоя ва мафкураларнинг инсонлар ҳаётига турли хил таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳолати, фикр билан фикр, ғоя билан ғоя, мафкура билан мафкуралар ўртасида фарқ борлигини англашга ундаиди. Мафкураларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётига таъсири нутқи назаридан «эзѓу» ва «ёвуз» ёки «бунёдкор» ва «тажовузкор» мафкураларга бўлиб қараш анъанаасига қўшилиш мумкин.

Эзгулик ва бунёдкорлик ғояларининг мазмунини фарқлаш мухимdir. Бунёдкорлик билан боғлик ғоявий ўзгаришлар, жамият тараккиётига инсонлар манфаатига, эзгу-мақсадларига хизмат қўлган. «Ёвуз» ёки «тажовузкор» мазмундаги ғоялар, мақсадлар эса аксинча жамият тараккиётига, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Бу эса халқлар ҳаётидаги таназул, йўқотишларга, ўзаро низо ва ихтилофларга, ғоявий курашларга олиб келган.

Бугун ғоя ва мафкурадаги ўзгаришларда «ягона мафкура» ва «мафкуралар хилма-хиллиги» ҳамда «ижтимоий ҳаёт», «иқтисодий», «сиёсий ҳаёт» муносабатига эътиборни каратиш мухим. Агарда ижтимоий ҳаёт ягона мафкуравий ақидаларга асосланган бўлса, бундай жамият эркин ривожланмайди. Собиқ совет даврида хўкмрон бўлган «якка коммунистик мафкура» билан боғлик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт тарзи бунга аниқ мисол бўла олади.

Мустакиллик туфайли Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти ривожланиши мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асослана бошлади. Бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизларининг ривожланиши ва тараккиёти учун ғоявий жиҳатдан чексиз имкониятларни юзага чиқариш, инсонлар салоҳиятидан фойдаланиш, у ёки бу муаммони «бир хил», «белгилаб

«күйилган» стандарт, режа, андозалар асосида эмас, унинг турли хил йўлларини, шарт-шароитларини, омилларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиб хал этиш имкониятини беради. Энг муҳими, фоя ва жамият ўргасидаги боғлиқлик янгича концептуал асосида, муносабатда ўзининг ечимини топа бошлади.

Инсон онги ва тафаккурининг жамият ҳаётига фаол таъсири билан боғлиқ янги фоялар, қарашларнинг устувор аҳамиятига эътибор берила бошланди. Бунга назарий-методологик жиҳатдан ёндашганда уни И.А. Каримовнинг «онг ва тафаккур ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди» деган фоявий концептуал фикрида аниқ кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам бир инсон ўзида демократик онг ва тафаккурни, фояни шакллантириши муҳим. Чunksи, «Демократик тафаккур – жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориг этишга кодир». Демократик тафаккур эса, жамият ҳаётида миллий фоя тамоилиларига, мағкуралар хилма-хиллигига асосланади. Унга амал килиш ижтимоий ҳаётда муҳим асосодир.

Тадқиқот натижалари бўйича кўйидаги хулоса ва амалий таклиф, мулоҳазаларни билдириш мумкин:

- 1) Миллий фоя мавҳум ва факат назарий тушунча бўлмасдан уни ҳалқнинг ўтмиши, маданияти негизлари, онг ва тафаккури, мақсад ҳамда манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда ижтимоий ҳаёт соҳаларида, турмуш тарзи, миллий тараққиёт негизларida ўзининг аниқ ифодасини топади;
- 2) Миллий фоя ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларида фуқароларнинг фаол иштирок этишида аниқ намоён бўлади. Сиёсий маданияти билан боғлиқ миллий хусусиятлар миллий фоя негизларida ўзининг маънавий кучини намоён этади;
- 3) Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш республика, вилоят, туман ва шаҳар, қишлокларнинг барча бошкарув бўғинлари, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш институтлари тузулмалари фаолияти орқали миллий фоя аниқ намоён бўлади. Шунинг учун ҳам миллий фоя гарғиботи ва ташвиқотига алоҳида эътибор бериш ижтимоий ривожланишини таъминлашда муҳим омиллардан бири хисобланади. Унга амалий фаолиятда алоҳида аҳамият бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш керак;
- 4) Республикада миллий фоя гарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар, унга давлат миқёсида аҳамият берилаётганилигини, унинг ижтимоий масъулиятини кўрсатади. Шуни ҳисобга олиб, тегишли мутасадди масъул шахслар ўзларининг аниқ, дастурий иш режаларига эга булиши, уни ҳар бир жойнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши зарур;
- 5) Республика маънавият ва маърифат Кенгашининг миллий фоянинг илмий-амалий асосларини ўрганиш ҳамда маънавий гарғибот-ташвиқотнинг самарадорлигига эришицда уни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ҳаёт негизлари билан, ундаги ўзгаришлар, муаммолар ҳамда истиқболли йўналишлари билан боғлаб амалга ошириш орқали ўзгаришларни кенг жамоатчиликка етказиш тадбирларини кўришлари муҳим аҳамият касб этади.

- Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришаётган ютукларини дунё ҳамжамиятига холисона етказишига Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти, салоҳияти тўғрисидаги айрим нохолисона қарашларнинг ўзгаришига хизмат қиласди;
- 6) Жамиятда фуқароларимизнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс мунозара юритиш кўнинмаларини оширишига алоҳида эътибор қаратиш, миллий ғоя билан ижтимоий ўзгаришларни узвийликда кўриш ва идрок этиш маданиятини, масъулиятини шакллантириш мухим;
  - 7) Миллий ғоя умуминсоний ғояларининг инсонпарварлик мөҳиятини ижтимоий ҳаёт соҳалари орқали кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий кадрият, уни асрраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини фуқароларнинг қалби ва онгига чукуррок сингдириш;
  - 8) Миллий ғояя зид бўлган ақидапарастликни, ёлғон ва соҳта ғояларни фош этадиган ижтимоий ҳаёт билан боғлик далилардан кенг фойдаланиш, одамларда демократик тафаккур тарзини юксалтириш борасида амалга оширилаёттан ўзгаришларни эркин ва фаровон ҳаёт куриш максадлари билан муштараклигини кенг жамоатчилик томонидан тўлиқ англаб етилишига эришиш;
  - 9) Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт ўзгаришлари тўғрисида кенг жамоатчиликнинг фикрини, кайфиятини билиб туриш учун социологик сўровларни мунтазам ташкил этиш зарур;
  - 10) «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг фаолиятини миллий ғоянинг ижтимоий ҳаёт билан боғликлигини ифодаловчи сўровномаларни янада жонлантириш мухим. Бу борада амалга ошириладиган тадқиқотларда республикамизнинг барча минтақаларини, барча катламларини айниқса, кишлоп ахолисини камраб олишига харакат қилиш зарур;
  - 11) Ижтимоий, маданий, сиёсий миллий-маънавий қадриятларимизни кенг жамоа онгига сингдириш, уларда умумбашарий тамойилларга нисбатан ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашни ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва социал соҳа билан боғлик холда амалга ошириш;
  - 12) Миллий ғояни ўрганишини, уни тарғибот ва ташвиқот этишини яхшилаш, уни ижтимоий ҳаёт ютуклари билан боғлаб тушунтиришига эришиш ўзининг ижобий натижаларини берасини шабҳасиздир.

### **Эълон қилинган ишлар рўйхати**

- Диссертация натижалари тадқиқотчининг куйидаги маколаларида ўз ифодасини топган.
1. Астанаев Қ.С. Миллий истиқлол ғоялари – миллатлараро ҳамжиҳатлик омили. Рисола. Т.: 2003, 3,25 босма табок.
  2. Астанаев Қ.С. Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт. // Жамият ва бошқарув. 2006 йил № 4. 93-94-бетлар.
  3. Астанаев Қ.С. Халқ фаровонлиги - олий мақсад. // Жамият ва бошқарув. Махсус сон. 2006, 86-87-бетлар.

4. Астанаев К.С. Иқтисодиётни модернизациялашнинг сиёсий мафкуравий омиллари. -Т.: “Фалсафа ва хукук” нашриёти, 2007, 32-бет.
5. Астанаев К.С. Демократиянинг хозирги даврдаги миллый ва умуминсоний жихатлари. Қаранг: “Инсон манбаатининг химояланиши - фуқаролик жамияти шакланишининг муҳим омили.” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. (27 апрель, 2007 йил) “Фалсафа ва хукук” нашриёти. Т.: 2007, 59-61-бетлар.
6. Астанаев К.С. Эркинлаштириш - иқтисодий тараққиёт омили. Қаранг: Жамият. Цивилизация. Давлат: ижтимоий-тарихий тараққиёт омиллари. Илмий назарий конференция материаллари тўплами. 13-14 апрель, 2007 йил. Т.: 2007, 339-340-бетлар.



**Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Астанаев  
Кулмахаммат Санаевичнинг 23.00.03. – Сиёсий маданият ва мафкура  
ихтинослиги бўйича “Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иктисодий  
негизлари янгиланишининг гоявий-сиёсий муаммолари” мавзуидаги  
диссертациясининг**

**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон жамияти ижтимоий-иктисодий негизлари, мулкнинг турли-хил шакллари, гоя ва мафкура, миллий гоя ва мафкуралар хилмажиллиги, ягона мафкура, миллий гоянинг жамият ҳаётига таъсири, гоявий-сиёсий муаммолар.

**Тадқиқот обьекти.** Ўзбекистон жамиятининг гоявий, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, социал гурухлар, сиёсий институтлар максад ва манфаатларининг турли гоялар билан боғлик кўринишлари, сиёсий мафкуравий жараёнлар ташкил этади.

**Ишнинг мақсади.** Жамият ижтимоий-иктисодий янгиланишининг гоявий-сиёсий жиҳатларини, мафкура билан боғлик конуниятларини, унга таъсир этиши омилларининг ўзаро муносабатининг гоявий-сиёсий, мафкуравий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети.** Жамият ижтимоий-иктисодий негизларининг миллий гоя билан ўзаро боғликлиги ҳамда турли ижтимоий гурухлар максад ва манфаатларининг намоён бўлиш қонуниятларининг гоявий-сиёсий жиҳатларини ўрганишдир.

**Тадқиқот усуслари.** Тадқиқотда Республика ижтимоий-иктисодий янгиланишининг гоявий-сиёсий жиҳатлари билан боғлик фактик мъалумотларни тахлил этиш, қиёслаш, кузатиш усусларидан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг илмий янгилиги.** Миллий гоя ва жамият ижтимоий-иктисодий негизларидаги ўзгаришларнинг сиёсий, мафкуравий таъсирини мамлакатда эркин, демократик, фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлик жиҳатларини сиёсий маданият ва мафкура нуктаи назаридан ўрганилганлигидар.

**Татбиқ этиши даражаси ва иктисодий самарадорлиги.** Диссертациянинг асосий хулоса ва коидалари мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий соҳасида, маданий-маърифий ишларда, шунингдек, илмий мақола, рисола ҳамда илмий-амалий конференцияларда ўзининг татбиқини топган. У инсонларнинг миллий гояга ишонч ва эътиқоди орқали ижтимоий-иктисодий ҳаётда иктисодий самарадорликни оширишга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

**Қўлланиши соҳаси.** Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида миллий гояни ўқитишида, миллий гоя ва маънавий-маърифий ишлар билан боғлик тадбирларда, Республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятидаги ижтимоий-иктисодий соҳа билан боғлик масалаларни ҳал этишида, миллий гоянинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишда, мафкуравий тарғибот соҳасида қўллаш мумкин.

## **Резюме**

Диссертации Астанаева Кулмахаммата Санаевича на тему: “Идейно-политические проблемы обновления социально-экономических основ общества Узбекистана” на соискание учёной степени кандидата политических наук по специальности 23.00.03. – политическая культура и идеология.

**Ключевые слова:** социально-экономические основы общества Узбекистана, разнообразные формы собственности, идея и идеология, национальная идея и разнообразность идеологий, единая идеология, влияние национальной идеи в жизни общества, идеино-политические проблемы.

**Объект исследования:** Национальная идея, социально-экономическая жизнь общества Узбекистана, социальные группы, виды взаимосвязи целей и интересов политических институтов с различными идеями, политические идеологические процессы.

**Цель работы:** изучение и анализ идеино-политических аспектов социально-экономического обновления общества, закономерностей, связанных с национальной идеей, идеино-политических аспектов взаимоотношения факторов, влияющих на него.

**Методы исследования:** анализ и синтез, сравнение, наблюдение.

**Полученные результаты и их новизна:** В ходе работы выработаны выводы и практические рекомендации по идеологическо-политическим проблемам национальной идеи и обновления социально-экономических основ общества.

**Практическая значимость:** заключается в том, что результаты исследования могут быть использованы в более глубоком изучении данной проблемы, а также в духовно-просветительских мероприятиях и в учёте важнейших аспектов социально-экономического обновления общества.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные выводы и положения диссертации нашли свое внедрение в социально-экономической сфере страны, в культурно-просветительской работе, а также в научных статьях, монографиях и докладах в научно-практических конференциях. Все это через укрепление веры и убеждений человека к национальной идеи положительно влияет на повышение экономической эффективности в социально-экономической жизни общества.

**Область применения:** материалы диссертации могут быть применены в сфере идеологической пропаганды, в разработке научно-практических основ национальной идеи, в решении проблем, связанных с социально-экономическими сферами республики и местных государственных органов, а также в процессе преподавания национальной идеи в ВУЗах Республики Узбекистан.

**Thesis of Astanaev Kulmhammat Sanaevich on the scientific degree  
competition of the candidate of political Sciences, specialty: 23.00. 03 Political  
culture and ideology subject “Idea-political issues of renovation of Uzbekistan  
Society social-economic basics”**

**RESUME**

**Key words:** Social-economic basics of society of Uzbekistan, various forms of property idea and ideology, national idea, and diversity of ideology, unique of ideology. The influence of national ideas to the life of society, ideological political problems.

**Subject of inquiry:** National ideology, Social economic life society of Uzbekistan, social groups, kinds of interconnection aims and interests of political institutes with diversity ideas, political ideological processes.

**Aim of the inquiry:** investigation and analysis of ideological-political aspects of social-economical renovation of the society, legal connection with the ideology, ideological, ideological-political interconnection factories, influencing to it.

**Methods of inquiry:** analysis and synthesis, comparison and observation.

**The results achieved and their novelty:** Some practical recommendations on ideological-political problems of national ideas and renovation of social-economical basics of society has been worked out in the dissertation work.

**Practical value:** The results of the work can be used in the serious studying of the given problems and also in ideological educational activity concerning the important aspects of the social-economical renovation of the society.

**Degree of embed and economical effectiveness:** the fundamental conclusions and content of the work has found its realization in social-economical sphere of the country in cultural-educational works and also in the scientific articles, monograph, in reports of the scientific practical conferences. This wire confidence and belief of the person positively affects to the improvement of economic efficiency in social economic life.

**Sphere of usage.** Materials of sphere of ideological agitate in working out of scientific-practical basics of national ideas, in solving problem, concerning with social-economical sphere of the republic and local state organizations and also in the process of teaching of national ideas in high educational systems of the Republic of Uzbekistan.

Босишига рухсат этилди: 07.04.08. Бичими 60x84<sup>1/6</sup>.  
Офсет усулида чоп этилди. «Times New Roman» гарнитураси.  
Босма тобоги 1,0. Адади 100. Бюртма № 157

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
700003, Тошкент ш., Олмазор кӯчаси, 171-үй.